



2016 у.г. «26» март № 457-К Самарқанд т.-р. Самарқанд

Тумандаги “Қўлбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини “Қозикўрғон” маҳалласида жойлашган Меликулов Суннатилло Фармоновичга тегишли уй-жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўконига айлантириш ҳақида

Тумандаги “Қўлбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини “Қозикўрғон” маҳалласида яшовчи фуқаро Меликулов Суннатилло Фармонович туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида уй-жойини бир қисмини тураржой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўконига айлантириб беришни сўраган.

Самарқанд тумани ҳокимининг 2015 йил 15 август кунисидаги 1005-Қ сонли қарори билан уй жойига эгалик қилиш ҳуқуқи тикланган, кишлоқ фуқаролар йиғини томонидан берилган маълумотномага кўра ушбу уй-жойда турмуш ўртоғи ва балоғат ёшига етган фарзандлари билан яшаётганлигини, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан тайёрланган кадастр ҳужжатлар тупламини, турмуш ўртоғи ва фарзандларининг розилик аризаларини тақдим қилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Уй-жой кодекси»нинг 5-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама сининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Низомига, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тумандаги “Қўлбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини “Қозикўрғон” маҳалласида жойлашган Меликулов Суннатилло Фармоновичга тегишли уй-жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига айлантириб бериш ҳақидаги туман ҳокими номига ёзган аризаси ҳамда тақдим этилган барча ҳужжатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фуқаро Меликулов Суннатилло Фармоновичга тегишли булган уй-жойнинг ер майдони умумий 370,05 м.кв., қурилиш остининг майдони 291,82 м.кв. (А литердаги дарвозахона 16,08 м.кв., А1 литердаги яшаш хонаси 18,83 м.кв., омборхона 17,13 м.кв., А2 литердаги айвон 33,04 кв.м, А3 литердаги дахлиз 15,70 м.кв., яшаш хона 16,73 м.кв., А4 литердаги дахлиз 21,74 м.кв., яшаш хона 36,23 м.кв., А5 литердаги омборхона 13,71 м.кв., ошхона 19,04 м.кв., ечиниш хона 1,70 м.кв., хожатхона 2,98 м.кв., ҳаммом 4,48 м.кв., омборхона 12,13 м.кв.)ни ташкил қилади ва шундан А5 литердаги 12,13 м.кв. омборхонаси турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўконига айлантиришга ҳамда умумий 12,13 м.кв. майдондан нотурар жой тоифаси сифатида доимий фойдаланишга рухсат берилсин.